

туьги пайт - суткалик коронни вақтида (энг кам юкламали соатларда: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) - белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаовчи коэффициентни куллана оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга кулланиладиган тарифга тури келади.

Табакаштирилган тариф кулланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф кулланилади.

Уланган қуввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нарҳни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган махсуслот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Бир неча тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи билан ҳисоб-китоблар, ҳар бир тариф гуруҳига алоҳида ўрнатилган ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

«Истеъмолчи» томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатилган рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

Ушбу шартнома бўйича «Истеъмолчи» ва «Қорхона» орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.4. «Истеъмолчи» ҳисоб-китоб даври тугатилган сўнг Электр таъминоти қорхонаси ваколатли вақни билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда) ёки унинг иштроқисиз ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда энб олада ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

«Истеъмолчи» «Қорхона»га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг «25» санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган «Истеъмолчи»лар бўйича электр энергия сарфи бўйича ҳисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик ҳажмдан ташқари тизим, ярим тизим ва туьги пайтларда фойдаланилган электр энергия ҳажмлари алоҳида ҳам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, «Худудий электр тармоқлари» қорхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кундан бошлаб кейинги бир ойдан ортик бўлмаган муддатда қўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик ҳатоликлар, тарифларни нотўғри куллана туфайли пайдо бўладиган кам ва ортикча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва «Қорхона» томонидан давво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки қўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.6. «Истеъмолчи»га электр энергияси етказиб бериш давлат қорхоналари ва устав капиталдаги давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортик бўлган юридик шахсларга 100 фоиз, қолган юридик шахсларга 30 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳақда ойнинг охиригача якувий ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлик узингача бўлган қоралар кўрилади.

3.7. «Қорхона» «Истеъмолчи»нинг энергия сарфи тўғрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ва тўлов амалга ошириш учун ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси Худуддаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган қоммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

«Истеъмолчи»нинг электр қурilmаларини «Қорхона» электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталлиши ёки тўхтаб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

«Қорхона»га истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгарилишини тўғрисида белгиланган тартибда тақдирларни киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгариш бўйича тақдир мўлжалланаётган ўзгаришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугатилгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир тўмонлама тартибда бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагни қайтарилишини талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

«Истеъмолчи» қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимида риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

эксплуатация қиладиган электр тармоқлари, приборлар, электр қурilmаларни зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурilmаларни эксплуатация қилишда ҳарфизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, «Қорхона»га электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергоспекция» қонуний қўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурilmаларининг тузилиши қондалари талабларини бажариш;

«Қорхона» вақилининг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечирishiга белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга туширилган электр қурilmалардан фойдаланиш бошлангичдан камида бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун «Қорхона»га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган махсуслотнинг (ишлар турларининг) технология жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган «Истеъмолчи», «Қорхона» талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи;

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.